
“Полвонлари кўп юрт – қудратли бўлур!”

Бешариқ туманида “Миллий кураш” ҳамда “Белбоғли кураш” бўйича спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Тумандаги “Маданият марказида” да “Полвонлари кўп юрт – қудратли бўлур!” шиори остида туманнинг курашчи полвонлари таклиф этилиб спортнинг кураш тури бўйича маҳаллалар ўртасида мусобақа ўтказилди.

Мусобақа очилишида туман прокурори Шукурулло Хатамов спортчи ёшларга “Бош прокурор кубоги” да ғолиб бўлишларига омадлар тилади.

Мусобақада турли вазнларда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган юзга яқин йигит ва қизлар қатнашди. Беллашувлар якунида ғолиб ва совриндорлар туман прокурорининг қимматбаҳо совға ва дипломлари билан тақдирландилар.

2023-04-11 14:48:10